



YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/5



MUNDARIJA

12.00.01 – DAVLAT VA HUQUQ
NAZARIYASI VA TARIXI.
HUQUQIY TA'LIMOTLAR TARIXI

- | | |
|----|---|
| 6 | ОДИЛҚОРИЕВ ХОЖИМУРОД ТҮХТАМОРДОВИЧ
Қонунчиллик ҳужжатлари тизимини такомиллаштиришнинг замонавий ҳуқуқий асослари |
| 14 | МУХИТДИНОВА ФИРЮЗА АБДУРАШИДОВНА
Роль преемственности трудов Гафура Гуляма в развитии духовно-просветительских традиций будущих юристов |
| 21 | ISMOILOV BEKJON SALIOVICH
Nogironligi bo'lgan shaxslar ta'limi sohasida O'zbekiston qonunchiligini takomillashtirish muammolar |
| 31 | ШАЯКУБОВ БАБУР АХМАДЖАНОВИЧ
Стратегическое планирование: теоретические и методологические аспекты |

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY HUQUQ.
MA'MURIY HUQUQ.
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- | | |
|----|--|
| 39 | БЕКОВ ИХТИЁР РУСТАМОВИЧ
Ўзбекистонда кўп partiyaviy tizimning shaklaniishi va rivojlaniishi |
| 50 | RAKHIMOV DILMURODJON GULOMJON OGLI
Some issues of the legal status of civil servants in Uzbekistan |

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.
TADBIRKORLIK HUQUQI. OILA
HUQUQI. XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- | | |
|----|---|
| 59 | БОЗАРОВ САРДОР СОХИБЖОНОВИЧ
Искусственный интеллект: возможна ли ответственность роботов? |
|----|---|

12.00.04 – FUQAROLIK PROTSESSUAL
HUQUQI. XO’JALIK PROTSESSUAL
HUQUQI. HAKAMLIK JARAYONI VA
MEDIATSIYA

- 70 **ХАБИБУЛЛАЕВ ДАВЛАТЖОН ЮЛЧИБОЕВИЧ**
Fuqarolik ishlari bўйича birinchi
instansiya суди xўжжатларини
takomillashaftirosh masalalari
- 81 **ҲАКБЕРДИЕВ АБДУМУРАД АБДУСАЙДОВИЧ**
Ҳакамлик sud ishlarini raqamlashtirishda sun’iy
intellektning o’rni
- 88 **PIRMATOV OTABEK SHAVKATOVICH**
Fuqarolik sud ishlarini yuritishda prokuror
intellektning o’rni
- 95 **XUDOYNAZAROV DADAXON AVAZ O’G’LI**
Iqtisodiy sud ishlarini yuritishda prokuror
ishtiropining ayrim masalalari
- 101 **DAVRONOV DONIYORBEK ABDULLO O’G’LI**
Fuqarolik sud ishlarini yuritishda protsessual
majburlov choralarini tadqiq etish muammolari
- 110 **ХАЙРУЛИНА АСАЛЬ БАХОДИРОВНА**
Возникновение и развитие альтернативных
способов разрешения споров: национальный
и зарубежный опыт
- 117 **BEBUTOVA ZARNIGOR FAXRIDDINOVNA**
Fuqarolik protsessida advokat faoliyatining
dolzarb muammolari: milliy va xorijiy tajriba
- 125 **СУБХОНОВ ШЕРАЛИ МУХАММАД УГЛИ**
Некоторые вопросы совершенствования
механизма исполнения судебных решений
о взыскании алиментов
- 133 **ГАЗИЕВ ШАХРУХ МУРОДАЛИЕВИЧ**
Харбий ijtimoiy-xукуқий ҳимоя:
tushunchasi va moxijati
- 140 **ТОШОВ МУХАММАД РАЖАБОВИЧ**
Ўриндошлик асосида ishlamайдиган boşqa
ходимнинг ishga қабул қилиниши, shuningdek,
ўриндошлик иши cheklanganligi sababli
meхнат шартномасини bekor қилиш masalalari

12.00.05 – MEHNAT HUQUQI.
IJTIMOIY TA’MINOT HUQUQI

**12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.
HUQUQBUZARLIKLARNING OLDINI
OLISH. KRIMINOLOGIYA.
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI**

- 148 **SUNNATOV VOHID TOSHMURODOVICH**
Qilmishni kvalifikatsiya qilish tushunchasi,
metodologik asoslari va bosqichlari

- 156 **TOШПҮЛАТОВ АКРОМ ИКРОМОВИЧ**
Жиноят-хуқуқий принциплар: моҳият,
тушунча ва белгилар

- 166 **ALOYEV ULUG'BEK MAXMUDOVICH
ROZIMOVA QUNDUZ YULDASHEVNA**
Korrupsiyani keltirib chiqarishga ta'sir etuvchi
omillar

- 174 **АНОРБОЕВ МУРОДЖОН
РАХМАНКУЛ УГЛИ**
Общая характеристика преступлений
против правосудия

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

- 182 **USMANOVA SURAYYO BULTAKOVNA**
The legal and institutional regulation of tourism
in the Republic of Uzbekistan: emergence and
development

**13.00.02 – TA'LIM VA TARBIYA
NAZARIYASI VA METODIKASI
(SOHALAR BO'YICHA)**

- 190 **АЗИМОВ ҲАКИМАЛИ ИМОМОВИЧ**
Амир Темурнинг тарихий мероси – инсоният
тараққиётининг муҳим омили

UDC: 329(042)(575.1)
ORCID: 0000-0001-5367-7523

ЎЗБЕКИСТОНДА КўППАРТИЯВИЙ ТИЗИМНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛANIШИ

Беков Ихтиёр Рустамович,
Тошкент давлат юридик университети
“Конституциявий ҳуқуқ” кафедраси
профессори в.б., юридик фанлар доктори,
e-mail: ixtiyorbekov@list.ru

Аннотация. Мазкур мақолада партия феноменининг мазмун-моҳияти, қўппартиявий тизимнинг ҳуқуқий табиати, унинг шаклланиши сиёсий тизим механизмига таъсири, партияларнинг жамиятимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш масалалари, бугунги кунда улар олдида турган асосий вазифалар каби илмий-назарий масалалар таҳлил этилган. Ўзбекистонда мавжуд сиёсий партияларнинг мақсади электорат нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Қўппартиявий тизим шаклланиши, сиёсий партияларнинг ривожланишида қузатилаётган ижобий ва салбий тенденциялар таҳлил этилиб, мазкур муаммоларнинг ечими таклиф этилган. Сиёсий партияларнинг жамоатчилик билан ишлаш тизимини ҳуқуқий тартибга солиши бўйича муаммолар таҳлил этилиб, уларнинг ечими бўйича асосий устувор йўналишлар тавсия этилган. Тадбиркорлар ва ишбилиармонлар ҳаракати –Ўзбекистон либерал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси, Халқ демократик партияси, “Адолат” социал-демократик партияси ҳамда Экологик партиянинг уставлари ҳамда расмий веб-сайтларида партияларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларига оид маълумотлар танқидий таҳлил қилиш асосида уларнинг ечими бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Сиёсий партияларнинг рақамли технологиялар шароитида ривожлантириш бўйича партияларнинг жамоатчилик билан ишлаш, веб-сайтларни юритиш, шунингдек, ижтимоий тармоқларда сайловчилар мурожаатлари билан ишлаш каби муҳим масалалар белгиланган.

Калит сўзлар: Фуқаролик жамияти, сиёсий партия, электорат, сиёсий тизим, актор, плюрализм, фракция, қўппартиявийлик, демократик блок, муҳолифат, партиявий рўйхат.

СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ МНОГОПАРТИЙНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Беков Ихтиёр Рустамович,
доктор юридических наук, и.о. профессора кафедры
“Конституционное право”
Ташкентского государственного юридического университета

Аннотация. В статье проведен научно-теоретический анализ сущности и содержания феномена партии, изучены правовая природа многопартийности, влияние партийного формирования на механизм политической системы, роль партий в политической и социальной жизни нашего общества, основные задачи, стоящие перед ними. Цели существующих политических партий в Узбекистане были проанализированы с точки зрения электората. Кроме того, проанализированы формирование многопартийной системы, положительные и отрицательные тенденции в развитии политических партий и предложены решения этих проблем. Проанализированы проблемы правового регулирования системы общественной работы политических партий и предложены основные приоритеты их решения. На основе критического анализа информации об организационно-правовых основах в уставе и официальных сайтах партий: движении предпринимателей и бизнесменов – Либерально-демократической партии Узбекистана, Демократической партии “Миллий тикланиш”, Народно-демократической партии, Социал-демократической партии “Адолат”, Экологической партии, были разработаны предложения и рекомендации. Были определены важные вопросы развития политических партий в контексте цифровых технологий, такие как работа партий с общественностью, ведение веб-сайтов, а также работа с обращениями избирателей в социальных сетях.

Ключевые слова: гражданское общество, политическая партия, избирательный блок, политическая система, субъект, плюрализм, фракция, многопартийность, демократический блок, оппозиция, партийный список.

FORMATION AND DEVELOPMENT OF A MULTI-PARTY SYSTEM IN UZBEKISTAN

Bekov Ikhtiyor Rustamovich

Associate professor of the department
Constitutional law, Doctor of Law

Abstract. The article provides a scientific and theoretical analysis of the essence and content of the phenomenon of the party, the legal nature of the multiparty system, the impact of its formation on the mechanism of the political system, the role of parties in the political and social life of our society, the main tasks facing them. The goals of the existing political parties in Uzbekistan were analyzed from the point of view of the electorate. In addition, the author analyzes the formation of a multi-party system, positive and negative trends in the development of political parties, and offers solutions to these problems. The problems of legal regulation of the system of public work of political parties are analyzed and the main priorities for their solution are proposed. Based on a critical analysis of information on the organizational and legal framework in the charter and official websites of parties - Movement of Entrepreneurs and Businessmen - Liberal Democratic Party of Uzbekistan, Democratic Party "Milliy Tiklanish", People's Democratic Party of Uzbekistan, Social Democratic Party "Adolat", Ecological Party proposals and recommendations for their solution were developed. Important issues in the development of political parties in the context of digital technologies, such as the work of parties with the public, the maintenance of websites, as well as dealing with voter appeals on social media have been identified.

Keywords: Civil society, political party, electorate, political system, subject, pluralism, faction, multiparty system, democratic bloc, opposition, party list.

Фуқаролик жамиятининг муҳим талабларидан бири – сиёсий ва мағкуравий хурфикалилик (плюрализм)нинг, инсонлар эркин фикрлаш ҳуқуқининг кафолатланганлиги. Сиёсий фикрлар ва институтлар хилма-хиллигининг амалий ифодаси – жамиятда кўппартиявий тизим мавжуд бўлишидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши билан мамлакатда кўппартиявийлик қарор топиши учун ҳуқуқий замин вужудга келтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишлиган тантанали маросимда қўйидагиларни тъкидлади: “Биз бугун, демократик ўзгаришлар даврида мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётида бевосита ва фаол иштирок этиш истагида бўлган фуқароларимизнинг салоҳияти тўла намоён бўлишини тъминлашимиз лозим. Бу борада кўппартиявийлик тизими, партияларо баҳс-мунозара, фикрлар ва дастурлар ўртасидаги рақобатни жадал ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга [1]”.

Сиёсий ва мағкуравий плюрализм, фикрлар хилма-хиллиги ҳамда уларнинг эркин

баён этилиши – демократик жамиятнинг зарурый ҳусусияти. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар туфайли сиёсий ҳаётда қарийб ўттиз йил мобайнида том маънодаги кўппартиявийлик муҳити тъминлаб келинмоқда. Сиёсий партиялар муайян ижтимоий қатламлар, гуруҳларнинг, фуқаролар ҳамда улар уюшмаларининг фикрини, нуқтаи назарини ифодаловчи муҳим демократик институтдир. Биринчи Президентимиз И.А. Каримов тъкидлаганлариdek, “ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлади. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққёти борасидаги муқобил таклифлари ўз ифодасини топиши лозим [2]”.

Машхур француз сиёsatшунос олими М. Дюверже фикрича: “жамиятда кўппартиявийлик мавжуд бўлсагина давлат ҳалқ манфаатларини ифода эта олиши мумкин бўлади [3]”.

А. Луньков, демократия ҳақида гапирганда, демократик сиёсий режимнинг қадр-қиммати сиёсий ўйин қоидаларига мувофиқ ўзгаришлар имкониятини тъминлашда ифодалани-

шини таъкидлайди [4]. Дарҳақиқат, сиёсатшунослиқда сиёсий барқарорликнинг энг муҳим омили сифатида сиёсий рақобат муҳитини яратиш эътироф этилади.

Сиёсий тузумнинг ривожланиш даражаси, сиёсий хилма-хиллик ва конституциявий тузумда кўп партияли тузумнинг шаклланиши бевосита ҳокимият учун кураш олиб борувчи ижтимоий-сиёсий кучларнинг сиёсий мағкуралар сифатида сиёсий соҳада фаол бўлишига омил бўлиб хизмат қиласи [5].

Бошқа томондан, сиёсий партиялар, умумий шаклланган тажрибага кўра хорижий мамлакатларда ҳам, бизнинг мамлакатимизда ҳам турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаат ва мақсадларини ифодалайдилар ва ўзларнинг вакиллари орқали давлат ҳокимияти органларини тузишда ҳамда оммавий-сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда иштирок этадилар.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатда сиёсий плюрализм (фикрлар хилма-хиллиги) ва кўппартиявийлик қарор топиши учун ҳуқуқий асос мустаҳкамланган: “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мағкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас” (12-модда) [6].

Демократик сиёсий тизимда кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм бир қатор афзалликларга эга. Аввало, бу сиёсий яккаҳокимликка, фикрда монопологияга қарши туради; иккинчидан, у сиёсий баҳс-мунозара га шароит яратади; учинчидан, сиёсий қарор қабул қилинишида барча сиёсий партиялар ва сиёсий кучларнинг teng иштирок этишини таъминлайди. Айни пайтда, сиёсий плюрализм қарор топиши учун юқори сиёсий маданият, бағрикенглик ва муросай-мадора қилиш қобилияти ҳам бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимиздаги кўппартиявийликнинг аҳамиятини таъкидлаб, шундай деди: “Партияларро рақобатни таъминлаш, барча сиёсий субъектлар учун teng шароитлар яратиш парламент ролини кучайтиришнинг муҳим шарти ҳисобланади [7]”.

Ўзбекистондаги кўппартиявийликнинг ўзига хос талабларидан бири шуки, минтақавий (регионал) партиялар тузиш қонун билан тақиқланган. Шунингдек, республикамизда миллий ва диний руҳдаги сиёсий партиялар тузилиши ва фаолияти ҳам тақиқланади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддаси).

Мустақилликнинг дастлабки йилларида вужудга келтирилган ҳуқуқий база асосида мамлакатимизда кўппартиявий тизим қуидагича шаклланди. Бу Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг ташкил топиши жараёни билан изоҳланади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 1991 йил 1 ноябрда унинг таъсис қурултойида ташкил топган. Ўз фаолияти давомида партиянинг 10 та қурултойи бўлиб ўтди. *Партиянинг мақсади* – давлат ҳокимиятининг вакиллар органларида давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжданд аҳоли қатламлари манбаатларини ҳимоя қилишдан иборатdir [8]. 1994 йил парламент сайловлари натижасида мазкур партиядан 69 нафар, 1999 йил 49 нафар, 2004 йил 28 нафар, 2009 йил 32 нафар, 2014 йил 27 нафар, 2019 йил 22 декабрда 22 нафар депутат сайланди.

Бугунги кунда партиянинг 519 000 нафардан ортиқ аъзоси бўлиб, 10 208 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси 1995 йил 18 февралда ташкил топган. Ҳозирда Ўзбекистон “Адолат” СДП таркибида 6200 дан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари ўз сафига 495 мингдан зиёд аъзоларни ўзида бирлаштирган.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида 2004 йил декабрдаги сайлов якуни бўйича 10 нафар, 2009 йил 19 нафар, 2014 йил 20 нафар, 2019 йил декабрда 24 (16 фоиз) нафар депутат сайланди.

Партиянинг асосий мақсади – ҳуқуқий-демократик давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда Ўзбекистон худудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манбаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун ол-

дида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий хуқуқ ва эркинликлари таъминланган маънавий жисплашган жамиятни тараққий топтиришда фаол иштирок этишдир [9]. Унинг мафкурасини социал-демократия ғоялари ташкил этади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси 1995 йил 3 июнда ташкил топган. Партия аъзолари сони 343 000 нафардан ортиқни, шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари сони 6 916 тани ташкил этади.

Партия Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловларида 2004 йилда 29 нафар, 2009 йилда 31 нафар, 2014 йил 36 нафар, 2019 йил 36 (24 фоиз) депутатлик мандатини қўлга киритди.

Партияning асосий мақсади – барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, миллий манбаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суриш, маънавий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналар, бой тарихий меросни сақлаш ва бойитиш, мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшишдан иборат [10]. Партия мафкураси консерватизм ғояларига асосланган.

Тадбиркорлар ва ишбайлармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛидеп) Устави ва дастури унинг 2003 йил 15 ноябрда бўлиб ўтган таъсис съездидаги тасдиқланган. Бугунги кунда партия аъзолари сони 1 млн нафардан ортиқни, шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари 13 352 тани ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2004 йилда бўлиб ўтган сайловларда партия илгари сурган номзодлардан 41 нафар, 2009 йил 53 нафар, 2014 йил 52 нафар, 2019 йил декабридаги парламент сайловларида мазкур партия 53 нафар (35 фоиз) депутатлик мандатига эга бўлиб, пешқадам мавқега эришди.

ЎзЛидепнинг мақсади сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тадбиркорлар, ишбайлармонлар ва фермерларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг мазкур қатлами манбаатларини ҳимоялаш ва эртанги кунини таъминлаш. Шу ижтимоий тоифа номидан Ўзбекистоннинг сиёсий саҳнасига чиқиш ва ўзининг муносиб ўрнини

эгаллаш [11]. Партияning мафкураси либерал-демократиядир.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган энг ёш сиёсий партия бу – Ўзбекистон Экологик партияси ҳисобланади. 2018 йил 14 ноябрда ташаббускор гурухнинг йиғилишида партия ташкил этиш бўйича Ташкилий қўмита тузилди. 2018 йилнинг 1–17 декабрь кунлари Ўзбекистон экологик партияси таъсис съездига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан делегатлар сайланди. Сўнгра 2019 йил 8 январда “Ўзбекистон Экологик ҳаракати”нинг умумий йиғилиши (таъсис қурилтойи)да Ўзбекистон экологик партияси ташкил топди.

Партияning асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

мамлакатнинг барқарор ривожланишига, экологик хавфсизлигига эришиш, ҳозирги ва келажак авлод учун қулай атроф-муҳитни яратиш ҳамда табиий ресурсларни сақлашга йўналтирилган давлат сиёсатини рӯёбга чиқаришни таъминлаш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни сақлаш давлат, жамият ва мамлакат ҳар бир фуқаросининг вазифаси бўлишига эришишга кўмаклашиш [12]. Бугунги кунда партия Ўзбекистоннинг турли нуқталаридаги 430 мингта аъзосига эга. Бошланғич партия ташкилотлари 3910 тани ташкил этади.

Мазкур янги сиёсий партия 2019 йил 22 деқабрдаги парламент сайловида илк бор иштирок этиб, 15 (10 фоиз) нафар депутатлик ўринларини қўлга киритди. Кўп партиявий тизим шаклланишининг ўтган тарихий даврида яна бир неча партиялар сиёсий саҳнага келиб-кетганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонда кўп партиявийликнинг ривожланиш тарихида ўзига хос из қолдирган воқеликларни ажратиб кўрсатиш муҳим. 2000 йил 14 апрел куни “Ватан тараққиёти партияси” ва “Фидокорлар” миллий-демократик партиясининг қўшма қурултойи бўлиб ўтди. Унда ҳар икки партия ҳаракати, фаолият дастури яқдиллиги муҳокама қилинди, уларнинг бирлашиб ишлашлари мақсадга мувофиқ, деган хуолосага келинди ва иккита партия бирлашди [13]. Бирлашиш натижасида Олий Мажлисдаги энг катта фракцияга эга бўлди. Ташкилий жараён тугаб, амалий иш бошлан-

ганида эса партия анча сустлашиб қолди. Таж-рибасизликми, ёки ўзи таянган қатлам билан алоқани йўқотиш оқибатидами, ёки дастурдаги ғояларни амалга ошириш механизмини ишга сололмагани туфайлими, бошқа партиялардан фарқ қиласми қолди.

2008 йил 20 июнь куни Ўзбекистон “Фидокорлар” миллий демократик партияси ва Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг бирлашув қурултойи бўлиб ўтди. Унда асосий масала Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ва “Фидокорлар” миллий демократик партиясини бирлаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, иккала партиянинг бирлашиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Бирлашишнинг асосий сабаби сифатида иккала партиянинг мақсад ва вазифалари ҳамда дастуридаги ўзаро ўхшашлик ва яқинлик асос келтирилди [14].

Мамлакатимизда кўпартиявий тизим шаклланиши, сиёсий партияларнинг ривожланишида бир қатор ижобий ва салбий тенденцияларни кузатиш ҳамда таъкидлаш жоиз. Ижобий тенденциялар сифатида қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ўзбекистонда сиёсий партиялар босқич-ма-босқич сиёсий саҳнага кела бошлади. Бу жараён якка партия ҳукуронлиги анъаналирига чек қўйиб, демократик ҳурфикрлиликка йўл очди. Сиёсий демократиянинг бундай йўналиши мамлакат фуқаролари томонидан фаол қўллаб-қувватланди;

2. Ҳар бир сиёсий партия ўз электорати ва тарафдорларини шакллантиришга йўналтирилган фаол ҳаракатларни амалга оширеди. Кўпартиявийлик фуқароларнинг турли ижтимоий қатламларида эрkin сиёсий фикрлаш, ўз сиёсий қарашларини эмин-эрkin билдириш кўникмалари ва тегишли ҳуқуқий маданият шаклланишига ижобий туртки берди;

3. Мамлакатда янги сиёсий партиялар шаклланиши, тузилиши ҳамда расмийлаштирилиши билан боғлиқ сиёсий фаолият авж олди. Партия қурилишига оид мазкур ижтимоий-сиёсий фаоллашув туфайли жамият ижтимоий онгига янги замонавий демократик ғоялар кириб келди;

4. Кўпартиявий тизимнинг ҳуқуқий асослари вужудга келтирилиши ва ривожлантири-

лиши баробарида миллий ва диний мазмундаги, шунингдек, мамлакатдаги барқарорликка путур етказувчи, конституциявий тузумга қарши тарғиб қилувчи сиёсий партиялар тузилиши конституциявий қонунчилик даражасида ман этилди;

5. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва етуклик пиллапоясидан юксалиб бориши аҳоли ўртасида сиёсий манфаатлар нуқтаи назаридан табақалашувга туртки берди. Фуқароларнинг фаоллашувига, шахсий ташаббускорликнинг авж олишига, индивидларнинг сиёсий ижтимоийлашуви жараёнлари бошланнишига шарт-шароит яратди.

Бунинг учун, чамаси, сиёсий партиялар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш керак. Маълумки, сайловлар ўртасидаги даврда сайловчилар билан партиялар орасидаги боғлиқлик сусаяди. Ушбу ҳолатга Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июлда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида ўз эътиборини қаратган: *“Нима учун сиёсий партиялар фақат сайловлар пайтида фаоллашиб, кейин, таъбир жоиз бўлса, дами чиққан шардек бўшашиб қолади? Ахир, улар овоз олиш учун халқча қанча-қанча ваъдалар бергани ҳақиқат-ку! [15]”*.

Шу билан бирга, мамлакатимиздаги партиявий қурилиш соҳасида, сиёсий партияларнинг фаолиятида муайян салбий тенденциялар, муаммо ҳамда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бу борада қуидагиларни таъкидлаш мумкин:

Ўзбекистонда кўпартиявийлик тизими шаклланишини функционал таҳлил қилиш ва унинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш соҳадаги муаммо ва камчиликлар билан чамбарчас боғлиқ. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқда, Ўзбекистонда кўпартиявийлик тизимининг функционал ривожланишига сиёсий партияларнинг ҳуқуқий табиатига мос бўлмаган фаолият билан шуғулланиши, ўз электоратининг ҳуқуқларини таъминламаслик, миллий ва хорижий сиёсий институтлар, шу жумладан, сиёсий партиялар билан ҳамкорлик муносабатларини тўғри йўлга қўйманлиги ва бошқа бир қатор омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган партиялар фаолиятининг функционал танқидий таҳдиллар натижасида қўйидаги амалий камчиликларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган ахборот олиш эркинлиги тўлақонли таъминлаш масаласида муаммолар кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида жамоат бирлашмалари зарур ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурлиги белгиланган [16].

Бу борада, Ўзбекистон халқ демократик партиясининг расмий сайти xdr.uz сайтига кириб, партия фаолияти билан танишмоқчи бўлсангиз, бир қанча саволлар пайдо бўлади. Сайтда Партия фаолиятининг асосий хужжати бўлмиш Уставининг 2014 йил 5 ноябрда партияning VIII Курултойида қабул қилинган варианти жойлаштирилган [17] (ушбу маълумот 2021 йил 8 июль ҳолатида берилмоқда). Уставининг 11.1 ва 11.2-бандларида Партияning Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши тартиби “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиши тартиби “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланиши мустаҳкамланган. Наҳотки, партия масъуллари Сайлов кодекси қабул қилинганидан ва юқорида келтирилган қонунлар ўз кучини йўқотганлигини эътибордан четга қолдиришган бўлса.

Шунингдек, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши расмий веб-сайти - www.adolat.uz манзили ҳисобланади. Партия расмий сайти билан танишиш жараёнида қўйидаги саволлар пайдо бўлади. Сайтнинг Регламент руқнида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши расмий веб-сайтида эълон қилиниши мажбурий бўлган ахборот ва эълонларга қўйиладиган талаблар келтирилган. Унга кўра, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши расмий веб-сайтида бир қатор ахборот ва эълонларни жойлаштириш мажбурий этиб белгилан-

ган [18]. Ушбу мажбурий ёритилиши керак бўлган масалалар қаторида “Партия ҳисоботлари” ҳам санаб ўтилган. Лекин, шунга қарамасдан ушбу сайтдан на партиянинг, на партиянинг вакиллик органларидағи фракция ёки партия гурухларининг йиллик ёки маълум даврдаги ҳисоботларини топиб танишишнинг имкони мавжуд эмас.

Бундан ташқари, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг интернетдаги расмий сайти <https://mt.uz> манзили ҳисобланади. Бизнингча, ушбу сайтдан ўқувчи етарлича маълумот олиши амри маҳол. Масалан, сайтнинг партия тарихига бағишиланган руқнига кириб маълумот олмоқчи бўлсангиз, у ерда берилган маълумотда партиянинг тарихи 2008 йил 20 июндаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ва “Фидокорлар” миллий демократик партиясининг бирлашув қурултойидан бошланган ва 2008 йил 9 сентябрдаги таъсис йиғилишларининг ўтказилиши билан тутаган [19]. Савол туғилади, ушбу партиянинг тарихи 2008 йилдан бошланадими? Ушбу партия 1995 йил 3 июнда ташкил этилган эмасми? Ўн тўрт йиллик партиянинг фаолияти инобатга олинмай, эсдан чиқарилганми? Бизнингча, партия тарихини ёритишида 1995 йилдан бошлаб, бугунги кунгача бўлган энг муҳим воқеаларни киритса, сайловчилар ва партия фаолиятига қизиқувчи ҳар бир инсон учун фойдали маълумотлар базаси шаклланган бўлар эди.

Сайтнинг “Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари”га бағишиланган манзилда 17 нафар депутат тўғрисида маълумотлар чала ҳолатда келтирилган [20]. Қолган 18 нафар фракция аъзоси ҳақидаги маълумот партия расмий сайтида берилмаган. Бундан ҳам ёмон ҳолат, “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия аъзолари” ҳақида маълумот берувчи руқнида учратиш мумкин [21]. Ушбу манзилга кирсангиз сарлавҳадан бошқа ҳеч қандай маълумот мавжуд эмас (2021 йил 8 июль ҳолати).

ЎзЛиДепнинг расмий веб-сайти: www.uzlidep.uz манзили ҳисобланади. Расмий сайт билан танишиш жараёнида бошқа партиялар каби бу ерда ҳам бир қанча саволли масалаларни учратиш мумкин. Масалан, сайтда бириктирилган мазкур партия Уставининг “Партия-

янинг сайловларда иштироки”га бағишенгандан 11.2-бандида “Партияниң Қонунчилик палатасига бўладиган сайловларда иштироки тартиби... “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни билан 11.3-бандда эса Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар Кенгашларига бўладиган сайловларда Партияниң иштирок этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади [22]” деган қоида турибди. Партияниң амалдаги Устави 2019 йил 5 ноябрь қабул қилинганлигини инобатга олсак, наҳотки партия фоллари Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 2019 йил 25 июня қабул қилинганлигини-ю, унинг қабул қилиниши муносабати билан қайси қонунлар ўз кучини йўқотганлигидан хабардор бўлмаса?!

Олий Мажлисга сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар депутат этиб сайланади ва депутатлар ўзининг партияси манфаатларини ифода этиш учун партия фракциясини тузадилар. Социологик сўров натижаларига кўра, Сиз бугунги кунда Олий Мажлис қўйи палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини қандай баҳолайсиз, деган саволга респондентларнинг 61,3 % и “партия фракцияларининг иштироки талаб даражасида эмас” деб, 20,7 % и “Етарлича ахборотга эга эмасман” деб, 5,5 % и “Умуман ахборотга эга эмасман” деб жавоб берган. Респондентларнинг фақатгина 11,8 % фракциялар фаолиятини ижобий баҳолаган. Бундан хуноса қилиш мумкинки, сиёсий партиялар ва уларнинг фракциялари фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий хуқуқини таъминлаш бўйича муаммолар кузатилмоқда.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг фаоллик даражасини уларнинг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти мисолида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Бу борада, сиёсий партиялар аъзолари сони ва уларнинг ижтимоий тармоқдаги “обуначи”ла-

ри сони ўртасидаги кескин фарқ мавжудлиги ойдинлашади. Биргина мамлакатимизда фаолият юритаётган блогерлар миллионлаб обуначиларга эга бўлган бир шароитда, бутун бошли бир сиёсий партия бу масалада, улар билан беллашиш у ёқда турсин, уларнинг яқинига ҳам бора олмаяпти.

Жадвал

Сиёсий партияларнинг ижтимоий тармоқлардаги обуначилари сони (2021 йил 1 август ҳолатига)

№	Партия номи	Аъзолар сони	Tele-gram	Face-book	Insta-gram
1	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	519 000	1854	4623	-
2	Ўзбекистон “Адолат” социал – демократик партияси	495 000	10176	6276	1312
3	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси	343 000	37435	2595	2272
4	Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	1 000 000	76 589	31 479	6508
5	Ўзбекистон Экологик партияси	430 000	18 188	3 912	3561

Иккинчидан, сиёсий партиялар фракцияларининг парламентдаги фаолиятидан маълумки, ўзаро рақобат, тортишувчанлик ва баҳслашув мұхитини таъминловчи мухолифат институти имкониятларидан самарали фойдаланимаяпти.

Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз фаолияти давомида 2007 йил 11 апрелдаги Конституциявий қонун қабул қилиниши билан ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилди ва 2009–2014, 2014–2019 [23] йиллардаги чақириқда ҳам ушбу позицияни намоён этди. Аммо негадир, 10 йилдан ортиқ ўзини парламентдаги мухолифат деб билган партия, амалдаги чақириқда ушбу хуқуқдан фойдаланмади.

Шунингдек, 2010 йил 2 февраль куни Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Қонунчилик

палатасидаги фракцияси Тадбиркорлар ва ишбилиармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциялари ўртасида “Демократик кучлар блоки”га бирлашиш тўғрисида Битим имзоланди [24]. 2010-2014 йилларда партия фракцияси Демократик кучлар блокига бирлашган ҳолда фаолият юритди.

Партия 2015 йил 16 март куни “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 25¹-моддасига амал қилган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясини парламентда кўпчиликни ташкил этаётган Демократик кучлар блокига муҳолифат деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди [25]. Партия беш йиллик муҳолифат сифатидаги фаолияти давомида илк маротаба парламент муҳолифат имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳатто муқобил қонун лойиҳаси ишлаб чиқиши имкониятига ҳам эга бўлди.

Хусусан, 2016 йилда илк маротаба парламентдаги муҳолифат саналган Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда “Норматив-хукуқий хужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни парламент муҳокамасига таклиф этди. Энг муҳими, парламентдаги муҳолифат сифатида фракция томонидан қонун лойиҳаларининг муқобил таҳририни киритиш бўйича белгиланган ваколатдан фойдаланилиши давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайиб бораётганини яққол намоён қилди [26]. Фикримизча, мазкур ислоҳот сиёсий партияларнинг қонун ижодкорлиги жараёнида вакиллик органларидаги ўзаро рақобат ва тортишувчанлик муҳитини шакллантиришга қаратилган.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам 2019 йилги парламент сайловлари натижасига кўра фаолият юритиб келаётган партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси олдинги чақириқлардаги амалиётдан фарқли равищда на блокларга бирлашди, на ўзини парламентдаги муҳоли-

фат сифатида эълон қилди. Ваҳоланки, партия ва фракция раҳбари А. Қодиров сайлов якунлари бўйича берган баёнотида, тақорорий овоз бериш натижаларидан қониқмаганини айтиб, мавжуд парламент билан келишувга эришса, иттифоқ сифатида фаолиятини давом эттиришини, йўқса муҳолифатга айланишини маълум қилган эди [27]. Ушбу баёнотга қарамасдан партия фракцияси ҳанузгача юқорида билдирилган иккита йўлнинг бирортасини ҳам танлаганича йўқ.

Учинчидан, сиёсий партияларнинг уставларида келтирилган мақсад ва вазифалар амалга оширилмай келинмоқда. Бунга мисол сифатида айтиш мумкинки, мавжуд 5 та сиёсий партиянинг уставларида сиёсий мафкура ва йўналиш нуқтаи назаридан яқин бўлган хорижий мамлакатлар сиёсий партиялари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича амалий ишлар умуман қилинмаган.

Хусусан, Ўзбекистон “Адолат” СДП фаолияти бўйича танқидий таҳдиллар натижаси шуни қўрсатмоқдаки, мазкур партиянинг 2019 йил 2 ноябрдаги IX Курултойида қабул қилинган янги таҳрирдаги Уставининг 3.2 бандида “жаҳон социал-демократик ҳаракати билан, илфор қаравшларга асосланган соғдил ва эзгу ниятли бошқа ижтимоий ҳаракатлар, партиялар билан алоқа боғлаш” вазифа сифатида белгиланган бўлса-да, бу йўналишда бирор-бир ҳаракатни ёки ишни амалда мисол келтира олмаймиз.

Тўртингидан, сиёсий партиялар фаолиятида гендер тенглигини таъминлаш бўйича аниқ механизм йўқлиги. Гендер тенглиги масаласи ҳам сиёсий партиялар фаолиятини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири десак муболага бўлмайди. Сиёсий партиялар ўз фаолиятлари давомида гендер тенглигига эришиш масаласида ҳам маълум бир натижаларга эришиди деб айтишимиз мумкин. Парламентимиз аъзоларининг 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётган бўлса, сиёсий партиялар аъзолари орасида бу қўрсаткич 44 фоизни ташкил қилмоқда [28]. Аммо, сиёсий партияларнинг бевосита марказий тузилмалирида фаолият юритаётган ходимлар орасида бу қўрсаткич, ҳавас қилинарли даражада эмас.

Гендер тенглиги бўйича тадқиқот олиб бораётган хукуқшунос олима К. Алиева фикрича,

“Партиялар сиёсатида аёл номзодларга молиявий ёрдам кўрсатиш, аёллар учун маҳсус курслар, семинарлар, конференциялар ташкил этиш орқали аёлларнинг етакчилик лавозимларига номзод кўрсатиш ташаббусларини қўллаб-куватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмай келмоқда” [29].

Сиёсий партияларнинг олий органи ҳисобланмиш Сиёсий (Марказий) кенгаш таркиби таҳлил қилинганда, улар аъзоларининг борйуғи 22 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Бу борада энг юқори кўрсаткичга эга бўлган ХДПда 32 фоизни (72 аъзодан 22 нафари аёллар) ташкил этган бўлса, Экологик партияда 22 фоиз (55-15), “Миллий тикланиш” ва “Адолат” СДПларида 20 фоиз ҳамда энг паст кўрсаткич, ЎзЛиДепда 19 фоизни ташкил этади [30]. Ушбу рақамлар ҳали сиёсий партиялар олдида бу масалада ишлиши ва изланиши лозим бўлган масалалар анчагина эканлигидан далолат беради.

Ушбу масала бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинганда кўришимиз мумкинки, сиёсий партиялар бошқарувида гендер тенглигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, Германия Христиан демократик Иттифоқи бошқарув ходимларининг учдан бир қисмини хотин-қизлар ташкил қилиши шарт этиб белгиланган бўлса, яшиллар партиясини икки жинсдан биттадан вакил ҳамраислар бошқаради.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчимиз. Сайлов кодекси талабларига кўра, сиёсий партия томонидан депутатликка кўрсатиладиган номзодларнинг 33 фоизини аёллар ташкил этиши шарт. Ушбу қоида хотин-қизлар хуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилиши мумкин, лекин гендер тенглиги қоидаларига мос келади, деб айта олмаймиз. Хўш, номзодларнинг 100 фоизини аёллар ташкил этсанчи, ушбу ҳолатда ҳеч қандай тақиқ йўқ. Ушбу ҳолатда эркакларнинг хуқуқлари бузилиш эҳтимоли жуда юқори. Шу сабабдан, биз сиёсий партиялар томонидан номзод этиб кўрсатиладиган жинс вакилларининг максимал миқдорини қонунчиликда мустаҳкамлашни таклиф этамиз. Аксарият хорижий мамлакатларда ушбу миқдор 50-70 фоиз этиб белгиланган. Масалан, Швецияда партиявий рўйхат

шакллантирилганда иккала жинс вакилларидан тенг миқдорда номзодлар шакллантирилади.

Бешинчидан, сиёсий партиялар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайлов олди дастурларини қайси даражада бажараётганлиги масаласини таҳлил қилиб бориш механизми йўлга қўйилмаганлиги сайловчилар назаридаги “сиёсий партиялар фақат сайлов кампанияси даврида фаолият юритади” деган тушунчанинг ҳосил бўлишига олиб келган.

Социологик сўров натижаларига кўра, сизнингча, сиёсий партияларнинг ўз сайловчилари билан мулоқоти доимий ва тизимли равишда йўлга қўйилганми, деган саволга респондентларнинг 76.4 %и – “Йўқ”, 10 %и – “Жавоб беришга қийналаман”, деб жавоб берган бўлса, 11.4 %и – “Ха” деб жавоб берган. Демак, сўровда иштирок этганларнинг аксарият қисми сиёсий партияларнинг электорат билан ишлаш бўйича фаолиятидан қониқмаганлигини билдирган.

Айрим ҳолларда амалга оширилаётган ислоҳотларни партиялар сайловолди платформаларида белгиланган вазифаларни келтирган ҳолда сиёсий партия ташабbusi сифатида даъво қилиш ҳолатлари учраб турибди. Хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони қабул қилиниши ортидан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси [31] ва Ўзбекистон “Адолат” СДП [32] расмий веб-сайтларида ҳар иккала партия ҳам партиянинг сайловолди дастурига киритилган ташабbusлари амалга ошганлигини даъво қилиб чиқишиди.

Фикримизча, шу каби ҳолатлар партиялар сайловолди платформаларида кўзда тутилган сиёсий партиялар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайлов олди дастурларини қайси даражада бажараётганлиги масаласини таҳлил қилиб бориш ва электоратга ҳисбдорлигининг замонавий усусларини жорий қилишини сиёсий партиялар аниқ механизмларини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Сиёсий партиялар фаолиятида намоён бўлаётган юқоридаги камчиликларнинг саба-

би, бир томондан, сиёсий партиялар ўз Низом ва бошқа ички ҳужжатларидағи мөъёрларга, иккинчи томондан, қонунчиликта белгиланған талабларга риоя этмаганлиги ёки берилған хуқуқий имкониятлардан етарлича фойдаланмаганлигидадир.

Шунингдек, айрим партиявий раҳбарлардағо явыйликнинг етишмаслиги ҳамда партиявий-мағкуравий эътиқоднинг заифлиги ушбу иллатларнинг асосий сабаби бўлиши мумкин. Фикримизча, мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар нафақат ўз корпоратив мөъёrlари асосида ички интизомни мустаҳкамлашлари, балки қонунчилигимизда назарда тутилган ҳуқуқ ва имкониятлардан унумли фойдаланишлари лозим.

Электорат билан қайта алоқани сифат жиҳатдан янги босқичга чиқариш ҳамда сиёсий партияларнинг ёпиқлик муаммосини ҳал

қилиш мақсадида партияларнинг доимий фаолият кўрсатувчи маҳсус тузилма – жамоатчилик қабулхоналарини ташкил этишни таклиф этамиш.

Шундай қилиб, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида фаолият юритиб, ўз мақсад ва вазифаларини бажаришга йўналтирилган бир қатор муҳим функцияларни адо этадилар. Ушбу функциялар ўзаро узвий ва комплекс хусусиятга эга. Уларнинг барчасини бир-бирига боғлиқ ҳолда бажарилган тақдирдагина катта самара бериши мумкин. Сиёсий партиялар фаолиятининг функционал тадқиқ этилиши эса уларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш ва амалга оширишда бой салоҳият ҳамда имкониятларга эгалигини англаб етишга кўмаклашади.

REFERENCES

1. Prezident Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 25 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagи ma'ruzasi // <https://president.uz/uz/lists/view/1328>
2. Karimov I.A. Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot – pirovard maqsadimiz. T.8. Tashkent, O'zbekiston, 2000, p. 333.
3. Dyuverje M. Politicheskie partii / Per. s frans. Moscow, Akademicheskiy Proekt, 2000, p. 29.
4. Lunkov A. O. Mnogopartiynost sovremennoy politicheskoy sistemy Rossii: riski i sposoby ix minimizatsii // Vestnik Saratovskoy gosudarstvennoy yuridicheskoy akademii. 2021, No. 2 (139), p.70.
5. Kalmaganbetova D. B., Complak K. Constitutional and legal regulation of the principle of multi-party system in the Republic of Kazakhstan. 2018.
6. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. // <https://lex.uz/docs/20596>
7. Mirziyoyev Sh.M. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Tashkent, 2018, pp. 27-28.
8. <https://xdp.uz/history>
9. <https://adolat.uz/partiya-ustavi>
10. mt.uz
11. <https://uzlidep.uz/>
12. <https://www.ecouz.uz/ustav>
13. I.R.Bekov O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Qonunchilik palatasi va siyosiy partiyalar. Monografiya. Tashkent, TDYI nashriyoti, 2010, p. 33.
14. Milliy tiklanish – o'lmas g'oya. // "Fidokor" gazetasi. 2008, 24-iyun.
15. Prezident Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis palatalari, siyosiy partiyalar hamda O'zbekiston Ekologik harakati vakillari bilan videoselektor yig'ilishidagi ma'ruzasi // <https://president.uz/uz/lists/view/781>.
16. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1997-y., 4-5-son, 108-modda; 2001-y., 1-2-son, 23-modda; 2015-y., 52-son, 645-modda;
17. <https://xdp.uz/ustav#>

18. <https://adolat.uz/reglament>
19. <https://mt.uz/uz/partiya-tarixi/>
20. <https://mt.uz/uz/oliy-majlis-qonunchilik-palatasidagi-fraksiya-azolari/>
21. <https://mt.uz/uz/deputatlar-mahalliy-kengash/>
22. <https://uzlidep.uz/charter-of-the-party>
23. Oliy Majlis Qonunchilik Palatasidagi Parlament muxolifatini e'lon qilish to'g'risida axborot / https://old_xs.uz/index.php/homepage/sijosat/item/3936
24. <https://uzlidep.uz/history-of-the-party>
25. https://old_xs.uz/index.php/homepage/sijosat/item/3936
26. U.Sulaymonov. Parlament tajribasida ilk marotaba: muxolifatdagi "Adolat" SDP fraksiyasining muqobil qonun loyihasi ko'rib chiqildi. / <https://adolatgzt.uz/society/4141>
27. "Milliy tiklanish" muxolifat partiyaga aylanishi mumkin / <https://qalampir.uz/news/milliy-tiklanish-mukholifat-partiyaga-aylanishi-mumkin-12590>
28. <https://lex.uz/docs/5466673>
29. Alieva K.R. O'zbekiston Respublikasida gender tengligini ta'minlashning konstitutsiyaviy-huquqiy asoslari. Yurid. fan. bo'y.fal. dok.... dis. TDYU, Toshkent, 2021.
30. <https://www.facebook.com/uzbyuksalish/photos/a.318067612248646/838015510253851/>
31. O'zLiDePning sudlarni optimallashtirish, birlashtirish to'g'risidagi taklifi Farmon bilan mustahkamlandi // URL: <https://uzlidep.uz/news-of-party/6912>
32. Sudlar birlashtirilmoqda. "Adolat" SDP g'oyalari aks etgan Prezident Farmoni imzolandi // URL: <https://adolat.uz/partiya/sudlar-birlashtirilmoqda-adolat-sdp-goyalari-aks-etgan-prezident-farmoni-imzolandi>